Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 август, пайшанба 1995 йил
Сотувда эркин нархда.
№ 163 (1165)

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК!

Шу йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро семинар-йиғилишнинг шиори ана шундай

ТОШКЕНТ * TOSHKENT

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



23 август куни Австралия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жефри Роберт Бентли мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Австралия ҳукумати Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлида талай муваффақиятга эришаётганини қутлайди, — деди Жефри Роберт Бентли ишонч ёрлиғини топширар экан. — Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, молия ва малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга.

Мен ўз фаолиятим давомида ушбу ҳамкорликни янада равнақ топтириш учун бор куч ва ғайратимни ишга солишни шарафли бурчим деб биламан.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Австралиянинг турли қитъаларда жойлашгани ўзаро алоқаларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўла олмаслигини таъкидлади. Чунки, мамлакатларимиз узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишдан манфаатдордир. Республикамиз Президенти Жефри Робертнинг масъулиятли ишида муваффақият тилаб, унинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашига умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

*• Ишонч ёрлиғини топшириш муносабати билан*

## АВСТРАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖЕФРИ РОБЕРТ БЕНТЛИ



1941 йилда Форбсда туғилган (Янги Жанубий Уэльс, Австралия). Ньюкасл университетида таҳсил олган. Ижтимоий фанлар бакалаври.

1963 йилдан — Австралия Ташқи ишлар вазирлиги ходими.

1964—1973 йилларда — Австралиянинг Куала-Лумпур (Малайзия), Нью-Дели (Ҳиндистон), Пномпен (Камбоджа), Сингапурдаги ваколатхоналарида ишлаган.

1973—1976 йилларда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирлиги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

1976—1978 йилларда — давлат хизмати қўмитаси ходими.

1979—1982 йилларда — Австралиянинг Веллингтондаги (Янги Зеландия) элчиси ўринбосари.

1983 йилда — Лондондаги қирол ҳарбий коллежида ўқиган.

1984—1986 йилларда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирлиги корпоратив бошқарма департаменти бошлиғи.

1986—1989 йилларда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирлиги стратегик баҳолаш департаменти бошлиғи.

1989—1992 йилларда — Австралиянинг Гонгконг ва Макаодаги бош консули.

1992—1993 йилларда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирлиги тижорат рақобатбардошлиги департаменти бошлиғи.

1993 йилда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирининг бош маслаҳатчиси.

1994 йилда — Австралия Ташқи ишлар ва Савдо вазирлиги бошқармаси бошлиғи.

1994 йилда — Австралиянинг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган.

1994 йил ноябридан бошлаб — Австралиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган).

Уйланган, уч фарзанди бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.**

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик соҳасида БМТнинг доимий семинарини ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритган эди.***

***Ўзбекистон Президентининг бу ташаббуси халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди.***

***Мана, ниҳоят БМТ билан биргаликда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик семинар-йиғилишининг жойи ва муддати белгиланди: Тошкент, 1995 йил сентябрь.***

***Биз бугундан бошлаб газетамиз саҳифаларида ушбу семинар-йиғиннинг кун тартибига киритилган, қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалар, ҳамда Тошкент анжуманидан кўзда тутилган мақсад, вазифа ва актуал муаммоларга бағишланган материалларни мунтазам бериб борамиз.***

***Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Х. КОМИЛОВДАН ушбу семинар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

**— Абдулазиз Ҳафизович, тинч-тотувлик, Марказий Осиё ҳамда бутун дунё халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ғоялари истиқлолнинг 4 йиллигини нишонлаш арафасида турган давлатимиз ташқи сиёсатининг асосини ташкил қилади. Кўриб турибмизки, мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда.**

**Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик семинар йиғинини ўтказиш ғоясини давлатимиз ташқи сиёсатининг бир кўриниши сифатида баҳоламоқ керак. Шундай эмасми?**

— Албатта, бу Президентимиз И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқидаги ташаббуснинг амалий фаолият босқичидир.

**— Энг юқори халқаро минбардан кўтарилган ташаббус учун икки йил, халқаро миқёсда, айтайлик, катта муҳлат эмас...**

— Тарих, жумладан, энг янги тарих биладики, бундай улкан, тадбирлар бундан ҳам узоқроқ муҳлатларда тайёрланган. Мисол учун Хельсинки Кенгашини олайлик. Аммо Тошкент семинарининг ўрни тайёрланиш муддати билан эмас, актуаллиги, катта минтақа халқлари тақдиридаги ҳаётий зарурати билан белгиланади. Тожикистон, Афғонистон ва шунга ўхшаш жаҳоннинг бошқа оловли нуқталаридаги маълум ҳодисалар, агарда бу борадаги тинчликсевар ташаббуслар реал ва аниқ бўлса, унинг ролини янада орттиради.

Шунинг учун ҳам БМТ Бош котиби жаноб Б. Ғолийнинг И. А. Каримовга йўллаган хатида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик семинар-йиғинини ўтказиш БМТ томонидан ва БМТ иштирокида амалга ошириш ташаббуси тўлиқ қўллаб-қувватланади.

Биз семинар-йиғилишига тайёргарликни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси билан ҳамжиҳатликда олиб бораяпмиз.

Кўпгина қўшни давлатлар Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлажакларини изҳор этишди: Россия 1994 йил 2 мартдаги «Россия Федерацияси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни тараққий топтириш ва чуқурлаштириш Деклорацияси»да ҳамда Россия Федерациясининг Бош вазири В. Черномирдиннинг Ўзбекистонга ташрифи давомида, Қозоғистон ва Қирғизистон эса 1995 йил апрель ойидаги Чимкентда бўлган Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқларининг учрашувидан кейинги коммюникеларида эътироф этилди. Америка Қўшма Штатлари семинар-йиғилиши ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва ушбу анжуманда юксак дипломатик даражадаги вакили иштирок этиши истагини билдирди. Афғонистон, Покистон, Эрон ташқи ишлар вазирлари ҳамда Ҳиндистон ташқи ишлар бўйича давлат вазири билан семинар-йиғилиш ишида иштирок этишлари ҳақида келишиб олинди. Бундай органни ташкил қилиш ғояси давлатлараро ўтказилган семинар ва конференция ҳамда МДҲ ҳужжатларида ҳам қайд қилинган.

**— Президентимиз олға сурган ғоянинг қайси томонлари улар учун маъқул тушган?**

— Семинар-йиғиннинг мақсади ўзаро фикр алмашиш, ишончли минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш йўлларини муҳокама этиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, низоларнинг олдини олиш, иқтисоддаги ўзаро жипслашиш жараёнига, инсонпарварлик ва маданий соҳадаги ҳамжиҳатликларга кўмаклашишдан иборат.

Семинар-йиғилиш минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоларини ҳал этиш, таҳлил қилиш, БМТ, алоҳида давлатлар ёинки бир гуруҳ давлатларга таъсирчан бўлган босқичма-босқич дипломатия учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини ўз олдига қўяди.

**— Анжуманга қатнашувчи мамлакатлар жуғрофияси қандай?**

— Энг аввало, семинар-йиғинда Марказий Осиё давлатлари қатнашиши зарур, деб ўйлаймиз.

Навбатдаги гуруҳ — бу Осиёдаги минтақа билан жипс тарихий ва маданий алоқаларга эга қўшни давлатлар. Биз ўйлаймизки, уларсиз минтақада хавфсизлик, ҳамкорлик ва барқарорликни ҳал қилиб бўлмайди.

Муҳими, биз БМТ билан яқин алоқа олиб бордик ва бу ҳамкорликни сўзсиз давом эттирмоқчимиз. Бу борада, бизнингча, БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франгистон, ХХР каби давлат вакилларининг қатнашиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Тўртинчи гуруҳ қатнашчилар — бу халқаро ташкилот ва бирлашмалардир. Уларнинг орасида, сўзсиз БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти, МДҲ мамлакатларидир.

Ҳозир сиёсий ва минтақавий муҳитда Ўзбекистон минтақавий жипслаштиришга қодир давлат обрўсини ола бошлади. Шу жумладан Тошкент семинар-йиғинини минтақада жипслашиш ғоясини амалга ошириш омили деб санаса бўлади.

Семинар-йиғинининг вазифасини биз, табиийки, нафақат муаммоларни таҳлил қилиш, балки уларни ечишга аниқ йўллар ишлаб чиқишда ҳам деб биламиз. Бу ўринда қуйидаги асосий блокларни кўрсатса бўлади.

Минтақани хавфсизлик ва комплекс ядро қуролисиз майдонга айлантириш, шунингдек, бу заминни ядро қуролини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, ишлатиш, химиявий ва биологик қуроллар таҳдидидан асраш, ҳар хил низоларнинг олдини биргаликда олиш, «байналмилаллашиб» кетган жиноятлар ва терроризмга қарши курашиш бу блокда асосий вазифадир. Бу ҳатти-ҳаракатлар Марказий Осиёни барқарор тинчлик минтақасига наркобизнесдан холи ва наркотиклар транзит қилишдан қутулиш йўлига олиб чиқади.

Масалаларнинг иккинчи мажмуи — Марказий Осиё халқ хўжалиги анъанавий тармоқларининг янги технология бўйича ўзаро жипслашуви, хавфсиз энергетика, транспорт ва бошқа коммуникация, энг янги алоқа ва информация тармоқларининг ривожи билан боғлиқдир.

Экология масалалари ва энг аввало, Орол экологияси ҳам шу масалалар қамровига киради. И. А. Каримов ва Марказий Осиёнинг бошқа давлат бошлиқлари кенг кўламли ва кенг миқёсдаги халқаро Орол дастурини ишлаб чиқишни бир неча маротаба кўрсатиб ўтишган эди. Шунинг учун ҳам келгуси семинар-йиғинда мазкур масалалар мажмуи жуда долзарбдир. Масалаларнинг учинчи босқичи моҳияти эса инсонпарварлик масалалари, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда давлатий ва нодавлатий тадбирлар, инсон эркинлиги ва ҳуқуқ ҳимояси, туризм ва дам олиш соҳаларидан иборат.

**— Ўзбекистон Президентининг ташаббуси Тошкент семинар-йиғинига доимий мақом бериш имкониятини яратадими?**

— Ҳақиқатда ҳам, бу масала 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтарилган пайтда тожик-афғон чегарасидаги аҳвол, Тожикистондаги ички ҳолат Марказий Осиёда халқаро ишончли хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ташкилот яратишни талаб қилар эди.

Бугунги кунда ҳамма Марказий Осиё давлатларида БМТ ваколатхоналари, Тожикистонда эса махсус Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, мен айтиб ўтганимдек, Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси ҳам ишлаб турипти. Буни биз Ўзбекистон раҳбарияти ташаббусига жавоб, деб биламиз.

Яна шуни кўзда тутиш керакки, охирги икки йил мобайнида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг масъулият минтақаси анча кенгайди. Эндиликда бу ташкилотга Марказий Осиё ҳам киради.

Минтақада бу масалаларни комплекс ҳал қилувчи шундай нуфузли халқаро институтлар бор экан, биз форумимизнинг асосий мақсади Марказий Осиё давлатлари, қўшни давлатлар, БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг минтақадаги хавфсизлик ва ҳамкорликнинг комплекс тизимини таъминлашдаги саъй-ҳаракатларини узвийлаштиришда ва жипслаштиришда деб биламиз. Бу семинарни ҳар йили ўтказиш кўзда тутилмоқда ва унинг ўтказилиш жойи Тошкент бўлиши шарт эмас.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, унинг мақсадлари билан ҳамдард ҳар қандай давлат унда қатнашиши ва унга аъзо бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, биз ушбу семинар-йиғинга Тошкентдаги ваколатли элчихоналар бошлиқлари, халқаро ҳамкорлик муаммолари билан шуғулланувчи халқаро тадқиқот марказлари экспертлари, оммавий ахборот вакиллари қатнашишларини жуда хоҳлардик.

Семинар-йиғиннинг шиори: ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК! Бу бўлғуси учрашувнинг олийжаноб, жиддий мақсад ва вазифаларини, руҳини, менимча, ўзида тўлиқ акс эттиради.

**Ю. КАЗАЧЕНКО,**
**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа хўжалигида ғўза баргини сифатли тўктириш масаласига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Уни республика қишлоқ хўжалиги вазири Р. Ҳусанов бошқарди.

Кенгашда ана шу муҳим агротехник усулни амалга оширишда хўжаликларни кимёвий ва биологик дорилар билан етарли даражада таъминлаш, техника воситаларидан унумли фойдаланиш, энг муҳими, мазкур иш жараёнида одамлар ва атроф муҳитга ҳеч бир зарар етказмаслик чора-тадбирларини кўриш муҳим вазифа экани таъкидланди. Ғўза баргини тўктиришда янги препаратлар қўлланиб, уларнинг таъсир даражаси синаб кўрилди. Жумладан, Германиядаги «Дропп» фирмаси вакиллари ўзлари ишлаб чиқарган препаратлардан қандай фойдаланиш кераклигини намойиш этдилар.

Сирдарё вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов кенгашда сўзга чиқди.

(ЎзА).

## ДАМ ОЛИШДАН ҚАЙТИШДИ

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан 120 нафардан ортиқ бола ёзги таътилни Днестр дарёси бўйида, Молдова пойтахти Кишиневга яқин жойдаги дам олиш зонасида ўтказди. Бу гуруҳ экология ҳалокати зонасида яшовчи мактаб ўқувчиларидан иборат бўлиб, улар орасида камхарж оилаларнинг болалари, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, иқтидорли болалар ва қизлар бор эди.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозорида харидоргир экспорт маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларини энг қисқа муддатларда жадал ривожлантириш учун зарур бўлган кўп валюта талаб этадиган импорт товарларнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳалари рўйхати тасдиқлансин:

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритсин.

2. Амалга ошириш учун қабул қилинган ва иловага киритилган лойиҳаларни рўёбга чиқарувчи «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» концерни, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни таъминласинлар. Шу мақсадларда:

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда томат пастаси ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар етказиб беришга контрактни расмийлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Кўмир» акционерлик бирлашмаси билан биргаликда каолин фабрикаси қурилиши лойиҳасини маблағ билан таъминлаш учун Швейцария кредит муассасалари билан тегишли битимни расмийлаштиришни икки ой муддатда тугаллаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати негизида молибден ва вольфрам ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик схемасини аниқлаш масаласини ишлаб чиқишни тугалласин.

4. «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари ва «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда:

амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишни таъминласинлар;

техник-иқтисодий асослашлар тайёрланишига кўра уларни экспертизадан ўтказиш учун «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласинлар.

5. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашлари ўз вақтида экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар. Бир ой муддатда экспертиза якунлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уларни маблағ билан таъминлаш схемаси ва манбаларига оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда карбамид ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг Европа Қайта қуриш ва тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин.

6. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун:

уларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналар ўз молиявий маблағларидан ва моддий-техника ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Давлат мулки қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, шу жумладан лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналарнинг акцияларини чет эл инвесторларига сотиш йўли билан уларнинг негизида акционерлик жамиятлари ташкил этиш орқали жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан биргаликда республикага берилаётган чет эл кредитларидан фойдаланиш масаласини ишлаб чиқсин, Молия вазирлигига, лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун чет эл инвестицияларига бўлган талаб доирасида белгиланган тартибда ҳукумат кафолатлари беришга рухсат этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат кафолатларидан чет эл кредитлари бўйича қарзларни тўлаш учун фойдаланилган тақдирда қарздор корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Молия вазирлиги билан биргаликда қарздор корхоналар томонидан уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган кредит маблағлар ўз вақтида қайтарилиши устидан самарали ва амалий назоратни таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тармоқ уюшмалари, концернлар, корпорациялар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига энг кам маблағ сарфлаган ҳамда минтақаларнинг худудий ва табиий устунликларидан энг кўп даражада фойдаланган ҳолда ташқи бозорда харидоргир ва рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ишлаб турган, экспортга йўналтирилган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Лойиҳаларнинг барча босқичлари ўз вақтида амалга оширилиши устидан амалий назоратни таъминлаш мақсадида, техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш, экспертиза ўтказиш, чет эллик шериклар ва кредит муассасалари билан контрактлар (шартномалар) тузиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш ҳам шу жумлага киради, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ишларнинг аҳволи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи даражали устувор лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам равишда ахборот бериб турсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 август.

• Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

# НАМАНГАН: ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН ЎЛКА







***НАМАНГАН ВИЛОЯТИ республикамизнинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган.***

***Майдони — 7,9 минг кв. км. Аҳолиси 1 миллион 650 минг кишидан зиёд. Наманган шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий марказидир. Вилоятда озиқ-овқат саноати ва тўқимачилик, шунингдек, энергетика саноати ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик, боғдорчилик, ипакчилик ва чорвачиликдан иборат.***

## РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- Вилоятда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда 46 та қўшма корхона ташкил этилди.
- 25600 ўринли мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди.
- Шу йилнинг ўзида 208 минг тонна ғалла ҳосили 'йиғиштирилди.
- 2 миллион 750 минг квадрат метр турар-жой бинолари бунёд этилди.
- 855 ўринли шифохона ва бир сменада 2160 беморни қабул қиладиган поликлиникалар қуриб ишга туширилди.
- 1841 та деҳқон (фермер) хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда.
- 5 мингга яқин ширкат ва кичик корхоналар мавжуд бўлиб, уларда 30 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.
- 5500 дан ортиқ давлат корхоналари хусусийлаштирилди:
- Республикада биринчи бўлиб кимошди савдоси Наманганда бўлиб ўтди. Ҳозирга қадар 510 дан ортиқ иншоотлар кимошди савдоси орқали тадбиркорлар томонидан сотиб олинди.

## ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



***Бургутали РАПИҒАЛИЕВ, Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.***

— Тўрт йил тарихан жуда қисқа давр. Лекин мана шу вақт вилоятимиз ҳаётида муҳим босқич бўлди. У биз учун ижтимоий, сиёсий ҳаётимизни барқарорлаштириш, юксалишнинг кенг равон йўлига чиқиб олиш имконини берди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, умуман иқтисодиётнинг барча соҳаларида иш бир маромда давом этяпти. Биз барча ишларни вилоятда ижтимоий, сиёсий барқарорликни, эл-юрт осойишталигини таъминлашдан бошладик. Ана шу мақсадда ўз манфаати йўлида халқни чалғитаётган айрим гуруҳларга қарши кескин кураш олиб боришга тўғри келди. Баъзи фаолларимиз, ҳатто, ҳаёти хавф остида қолган пайтларида ҳам бу йўлдан қайтмади.

Аста-секин одамлар онгида ижобий томонга туб бурилиш бошланди. Оддий халқнинг атрофида рўй бераётган ижтимоий, сиёсий воқеаларга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Эндиликда оддий колхозчи, ишчидан тортиб раҳбарларгача мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Шунингдек, вилоятимиздаги барча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қиляпти.Вилоятимиз аҳли мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги тўйига пухта ҳозирлик кўраяпти. Биринчи июлдан бошлаб «Истиқлол — менинг келажагим», «Истиқлол — қонунчилик гарови», «Истиқлолни мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг роли», «Экология ҳафталиги» каби ҳафталиклар бўлиб ўтмоқда. Уларда вилоятимиз зиёлилари, олимлари-ю, санъаткорлари, ёзувчи-шоирлар, ҳуқуқшунослар ва барча фаоллар иштирок этиб, мустақиллигимизнинг аҳамияти, уни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш лозимлиги тўғрисида аҳоли билан суҳбат ва маърузалар ўтказишмоқда. Бундай тадбирлар байрамдан кейин ҳам давом этади.

Айни пайтда вилоятимиздаги элликдан ортиқ қурилиш иншоотида иш қизғин олиб борилмоқда. Щулардан 25 таси мустақиллигимиз тантаналари арафасида — яъни муддатидан олдин фойдаланишга топширилади. Наманган шаҳрида 120 ўринли ўсма касалликлари вилоят шифохонаси, 60 ўринли оналар ва болалар вилоят шифохонаси, 3000 ўринли теннис корти мажмуи, Косонсой туманида 100 ўринли тикув цехи, Наманган туманида 844 ўринли ўрта мактаб биноси, Поп туманида 21 километр масофада юқори босимли газ тармоғи қурилишлари шулар жумласидандир. Бундай қурилиш иншоотлари барча туман ва шаҳарларда бунёд этилмоқда. Бу ерларда ишлаётган қурувчилар ташаббус билан чиқиб ишни икки, уч сменада ташкил қилмоқдалар. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан эса қурувчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Шунингдек, вилоятимизда бунёд этилаётган республика аҳамиятига молик қурилиш иншоотларида ҳам ишлар қизғин давом этмоқда. Мингбулоқ нефть конининг ишга тушиши республикамиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги бугун ҳаммага маълум. «Учқўрғон — Наманган» сув тиндириш иншоотида байрам муносабати билан икки миллиард сўмлик маблағ ўзлаштириш режалаштирилган. Ушбу иншоот фойдаланишга топширилса Чортоқ, Уйчи туманлари ҳамда Наманган шаҳри аҳолиси 2010 йилга қадар тоза ичимлик сув билан тўла таъминланади. Ҳозирги кунларда Фарғона водийсини Тошкент шаҳри билан боғлайдиган Қамчиқ довони йўлини кенгайтириш ишлари ҳам жадал бормоқда.

Вилоятимиз азалдан оқибатли, меҳр-саховатли. Халқимизнинг бу фазилатлари, айниқса, мана шундай катта тантаналар, байрамларда яққол намоён бўлади. Қолаверса, турли байрамлар, маросимлар олдидан хайрия, саҳоват ва мурувват ойлиги ва ҳафталиги ўтказиш вилоятимизда одат тусига айланиб қолган. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги муносабати билан бундай тадбирларни ўтказиш мунтазам давом этиб келмоқда. Масалан, «Наврўз» байрами арафасида вилоятимиздаги 40116 нафар ёрдамга муҳтож оилаларга, якка ёлғиз қарияларга, етим-есирларга ва ногиронларга 6 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 219 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйи, 56 нафар йигит-қизларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Мустақиллик байрами муносабати билан бундан ҳам кўпроқ ана шундай хайрия тадбирларини ўтказишни режалаштирганмиз. Айни пайтда барча туман, шаҳар ва маҳаллаларда ҳар куни ўнлаб шундай тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимининг қарори билан вилоят ҳудудида яшовчи якка-ёлғиз, ёрдамга муҳтож 2000 га яқин қария турли бўғинлардаги раҳбарлар ҳомийлигида бириктириб қўйилган. Мустақиллик байрами арафасида ҳам ана шу раҳбарлар қариялар хонадонларида бўлиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатдилар.

Бундай хайрия тадбирларидан вилоятдаги жамғармалар ва жамоат ташкилотлари ҳам четда қолаётганлари йўқ. Улар ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айниқса, бу борада «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Болалар» жамғармалари ва вилоят бўлимлари ва Қизил ярим ой жамияти ибратли ишларни амалга оширмоқда. Улар томонидан узоқ ётиб қолган беморлар ва ногиронларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, «Болалар» жамғармаси вилоят бўлими соғлиғини тиклаш зарур бўлган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 100 нафар фарзандларини бепул санаторийларга юборди. Бундай мисолларни бошқа жамғарма ва ташкилотлар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятимиз шаҳар, туман ва маҳаллаларида байрам муносабати билан ободонлаштириш ва қурилиш ишлари бир зум сусаймаяпти. Маҳаллаларга сув, газ қувурлари тортилиб, аҳоли гавжум яшайдиган қишлоқлар марказида гузар комплекслари бунёд этиляпти. Йил бошида ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз ҳудудларида яшаётган шароити оғир 2-3 нафар оилага бепул уй қуриб бериш ташаббуси билан чиққан эди. Биз ана шу уйларни байрам арафасида ўз эгаларига тантанали равишда топширишга аҳд қилдик. Ҳозир кунора 3-4 оилада уй тўйлари нишонланмоқда.

Мустақиллик байрамини қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам муносиб кутиб олмоқдалар. Улар бу йил давлатга 3000 тонна пилла етказиб бериб, бу соҳадаги режани 104 фоизга уддаладилар. Шунингдек, республикамизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга ҳам вилоятимиз деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ғаллакорларимиз меҳнат ғалабаси муносабати билан юртбошимизнинг йўллаган Табрикномаси наманганликларни ғоят руҳлантириб юборди. Бу йил давлатга 130 минг тоннадан зиёд сифатли дон етказиб берилди. Миришкор деҳқонларимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 497 гектар боғ, 193 гектар токзор ва 194 та қишлоқлардаги маданий-маиший ва саноат корхоналари хусусийлаштирилди. Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги пайтларда 1,5 мингта қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Айни пайтда вилоятда ҳаммаси бўлиб 1841 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз маҳсулотлари билан байрам дастурхонини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги йилларда саноат, маданий, маиший хизмат соҳаларида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, шу йилнинг 7 ойи давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни, бу соҳада сезиларли даражада ўсишга эришилди. Шунингдек, Истиқлол туфайли ташқи иқтисодий алоқаларимиз ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир 70 дан ортиқ корхона ва ташкилот ўз маҳсулотларини четга чиқариб ва ташқаридан хом ашё олиб келиб фаолият кўрсатмоқда. Ташқи алоқалар кенгайиб бораётгани натижасида бундай корхоналарнинг сони кейинги ойларнинг ўзида 20 тага кўпайди. Шунингдек, вилоятимизда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 46 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаб бормоқда.

Маълумки, вилоятда аҳоли ер майдонига нисбатан анча зич жойлашган. Бу эса табиийки, бозор иқтисодиётига хос хусусият бўлган ишсизлик муаммосини келтириб чиқаради. Хўш, шундай экан ушбу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин:

Бунинг учун биринчидан, жойларда кичик корхоналар сонини кўпайтириш керак. Биз бу билан ҳам қишлоқни саноатлаштирамиз, ҳам юқорида таъкидлаганимиздек ишсизлик муаммосини ечишга имкон топамиз.

Наманганликлар ҳунарманд халқ. Бу ерда миллий ҳунармандчиликнинг барча шакллари ривожланган. Мадомики шундай экан, уни кенгайтириш, янада ривожлантириш бугунги кунни энг долзарб муаммоларидан биридир.

Шу кунларда мустақиллик байрами муносабати билан вилоят, шаҳар ва туман марказларида, маҳаллаларда ҳунармандчилик, савдо, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилмоқда. Халқ сайиллари, санъаткорларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари каби турли кўнгилочар тадбирлар давом этаяпти. Хуллас, мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрами ҳар бир хонадонга шодлик, хурсандчилик олиб кирмоқда.

## ТЎЙГА ТЎЙ УЛАНМОҚДА

***Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги байрам тантаналарига саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда тўйларга тўйлар уланиб кетяпти. Бу тўйларни ўтказишда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган учта жамоа хўжалиги, кичик корхона ва хусусий фирмалар бош-қош бўлмоқдалар.***

Биргина «Хумо» фирмаси республикамиз Президентининг аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги Фармонини бажара бориб, шу кунга қадар 10 километр табиий газ қувурларини ўтказди. Фирманинг саъй-ҳаракати билан туманнинг чекка қишлоқларида жойлашган 500 дан ортиқ хонадонда «зангори олов» ёнди. Шу кунларда ҳам фирма жамоаси қишлоқларни ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 12 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада қишлоқларимизда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Масалан, урушнинг биринчи гуруҳ ногиронларидан 4 нафар ва меҳнат ногиронларидан икки нафар кишининг уйлари бепул таъмирлаб берилди. Шунингдек, байрам куни 389 кишига бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар топширилади.

Бир сўз билан айтганда, байрамни қишлоғимиз фуқаролари шоду-хуррамлик билан кўтаринки руҳда кутиб олишади.

**Ёқубжон ОТАМИРЗАЕВ,**
**Косонсой туманидаги, «Тергачи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

## СОЗИМДА, ҚЎШИҒИМДА ИСТИҚЛОЛ



***Тўрт йилдан буён жўшиб, ўз ижодимдан кўнглим тўлиб куйлаяпман. Бу давр ичида бир неча ўнлаб янги куй ва қўшиқлар яратдим. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида махсус концерт дастуримни ишлаб чиқиб, халқимга, мухлисларимга ҳавола қиламан.***

Мустақил юртнинг бир фуқароси сифатида мен ҳам икки йўналишда концерт дастури тайёрладим. Биринчи дастуримдан шоир Чустийнинг «Аввало тинчлик билан дўстлик, саломатлик керак» ғазали билан бошланадиган қўшиқлар гулдастаси ўрин олган. Ушбу дастур тинчлик, дўстлик ва мустақилликни тараннум этувчи ўндан ортиқ янги қўшиқлардан таркиб топган. Иккинчи дастурим «Аждодлар ёди» деб номланган. Унда мен билан бирга устоз санъаткор Маматхон Убайдуллаев ҳам иштирок этади. У киши Чустий ғазалларини, мен эса ўзлари Наманганда туғилиб, бошқа юртларда яшаб ижод қилган ўндан ортиқ шоирларнинг ғазалларини куйга солиб, қўшиқ қилганман.

**Камолиддин РАҲИМОВ,**
**А. Навоий номидаги вилоят музикали драма ва комедия театри хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти.**

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

***«Атлас» ширкатимиз мустақиллигимизнинг илк меваси сифатида ташкил топган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уни Туркиянинг «Бесташ» фирмаси билан ҳамкорликда «Турк-Атлас» қўшма корхонасига айлантирдик.***

Айни пайтда корхонамизда 350 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Бу ерда нафақат Ўрта Осиёда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ягона бўлган ипак гиламлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек хорижий дастгоҳларда тайёрланаётган кийим-кечаклар ўзининг бежиримлиги ва сифати билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Бундан ташқари Туркиядан келтирилган кичик сут заводида тайёрланиб, «Тошбулоқ» тамғаси билан савдога чиқарилаётган пишлоқ ва сариёғимизни истеъмолчилар севиб харид қилмоқда. Маҳсулотларга эҳтиёж ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, республикамизнинг турли вилоятларида корхонамизнинг савдо марказларини ташкил этдик.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида 150 тонна пишлоқ, 4,5 тонна сариёғ ва 400 метр квадрат ипак гиламлар ишлаб чиқардик. Шунингдек, бошқа турдаги маҳсулотларимизга ҳам эҳтиёж кучайиб боряпти. Биз ўз фаолиятимизни босқичма-босқич ривожлантириб боряпмиз. Бир сўз билан айтганда мустақиллик бизга жуда кенг уфқларни очиб берди. Қўшма корхонамиз маҳсулотлари жаҳон бозорига йўл олмоқда.

**Файзуллохон АБДУЛЛАЕВ,**
**«Турк-Атлас» қўшма корхонаси бошлиғи.**



*СУРАТЛАРДА: вилоят ҳаётидан лавҳалар.*
П. АКБАРОВ олган суратлар.

*Саҳифани «Халқ сўзи» мухбири Абдуҳошим Мадатов тайёрлади.*

